



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 6 декабрь, № 239 (5913)

Жума

ЮКСАК МАРРАЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида қўлга киритилаётган муваффақиятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мустақил ва ёш давлатимизнинг ютуқлари йил сайин тобора мустаҳкамлашиб, кўзга янада ёрқинроқ ташланмоқда. Зеро, тарихан жуда қисқа давр ичида барча соҳаларда мислсиз ўзгаришлар рўй бердики, бу ҳақли равишда жаҳон аҳлининг ҳавасу ҳайратига сабаб бўлмоқда. Бундай юксалишлар замирида, шубҳасиз, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинган,

Ўзбекистонимизнинг ўзига хос ва мос бўлган тараққиёт йўли — “Ўзбек модели” муҳассам.

Дарҳақиқат, беш тамойилга асосланган ривожланишнинг босқичма-босқич йўлидан борилгани ўзининг бекиёс самараларини бериб, иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарама-сан, сўнги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир.

Бошқача айтганда, 2000 — 2013 йилларда бу кўрсаткич 3,8 баробар, ялпи маҳсулот эса аҳоли жон бошига 3,2 баробар ўсди.

Халқаро молия институтларининг баҳолига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг бундай юқори ўсиш суръатлари яқин истиқболда ҳам барқарор давом этади. Масалан, 2013 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоиз ошгани бунинг амалий тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

Давлат бюджет:

ИЖТИМОЙ СОҶА — УСТУВОР МАҚСАД

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш кутилмоқда. Сенаторлар мамлакатимизнинг 2014 йилги бош молиявий ҳужжатини муҳокама қилишади. Бу ҳудудий вакиллик органи сифатида юртимиз барча ҳудудлари манфаатларини таъминлаш нуктаи назаридан амалга оширилади.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, ялпи мажлисга ҳозирлик қилиш жараёнида 2014 йилги Давлат бюджетини Сенатнинг тегишли қўмитаси мажлисида муҳокама қилинди. Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон ривожланишининг келгуси йил учун стратегиясини белгилаб берадиган 2014 йилги Давлат бюджетини, аввало, макроиқтисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори кўрсаткичларини таъминлаш, модернизация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада юксалтиришга йўналтирилган.

Айнан мана шу стратегик вазибаларни амалга ошириш учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг миқёсдаги ўзгаришлар рўйида чиқарилмоқда, ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминлаш бўйича босқичма-босқич чоралар кўриляптир. Бунинг натижасида бугунги кунда, яъни аксарият мамлакатлар иқтисодиётида ўсиш суръатлари пасайиши давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнги йилларда 8 фоиздан ортиқчи ташкил қилмоқда. Бу тараққиётнинг “Ўзбек модели” нечоғли ҳаётий эканлигини, ислохотларнинг изчил ва кенг қамровлигини далиллади.

Давлат бюджетига кўра, 2014 йилда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, банк тизимини тақомиллаштириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти ҳамда ролини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни рағбатлантириш бўйича бир-бири билан узвий боғланган, кенг қўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилади.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари янги тахрирда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилмоқда.

Қашқадарё вилоятида мавжуд 637 та фуқаролар йиғинларининг 524 тасида сайловлар ушбу тамойиллар асосида ўтказиб бўлинди. Мазкур жараёнда янги сайланган раисларнинг 5400 нафардан зиёд маслаҳатчиси ҳам сараланди. Муҳими, ушбу масъулиятли лавозимларга мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини теран ҳис этадиган, обрў-эътиборли, одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, маҳалланинг нуфузини юксалтириш салоҳиятига эга фуқароларнинг сайланишига эришилмоқда.

Буни Чирокчи туманидаги “Қишиштепа” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган сайлов мисолида ҳам қўриш мумкин. Ишчи гуруҳи томонидан ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда, йиғин раислигига 2 нафар ва раис маслаҳатчилигига 16 нафар номзод аниқланди. Бунда, албатта, йиғин

раислигига номзодларнинг маълумоти, ташкилотчилик қобилияти, раҳбарлик ва ҳаётий тажрибаси, шунингдек, аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборига алоҳида

осиб қўйилди. Сайлов кунининг йиғинида номзодлар ўзларининг келгуси фаолият дастурларини эълон қилиб, раис этиб сайланганларидан сўнг қандай ишларни

ЭНГ МУНОСИБЛАР САЙЛАНМОҚДА

аҳамият қаратилди. — Барча жараён қонунийлик тамойили асосида амалга оширилди, бунда сайловга пухта ҳозирлик қўрилгани муҳим омил бўлганлигини айтиш зарур, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари М. Зиёдов. — Аввало, 4553 нафар аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда аҳоли умумий йиғилишлари ўтказилиб, эл ичида ҳурматли, маҳалланинг эртасига бефарқ бўлмаган 33 нафар вакил сайланди. Рўйхатга олинган номзодларнинг меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар фуқаролар йиғини биносига

амалга оширишлари тўғрисида атрофлича маълумот беришди. Бу борада қизгин савол-жавоб ҳам ва мунозаралар ҳам бўлди.

Йиғин раислигига номзодлар дастурларида маҳаллани ободонлаштириш, ҳудудда бунёдкорлик ишларини кучайтириш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ёшлар таълим-тарбияси ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб олингани сайловчиларни бефарқ қолдирмади. Табиийки, овоз бериш жараёни ҳам шунга мос бўлди. Аниқ айтганда, ёпиқ овоз бериш тартибда амалга оширилган сайлов-

да Б. Хуррамов маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Айни чоғда унинг 8 нафар маслаҳатчиси ҳам саралаб олинди. Фарғона вилоятида ҳам мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик қўрилди. Мисол учун, тайёргарлик босқичида вилоятнинг барча туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалла ва кўчаларида, умуман, аҳоли гавжум жойларда сайлов билан боғлиқ 2500 га яқин баннер ҳамда 5 мингта плакат осиб қўйилди. Шунингдек, тарғибот тадбирлари уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Бундай кенг қўламли тайёргарлик самараси ўлароқ, фуқаролар фаоллиги, Ватан тараққиётига дахлдорлик ҳисси мазкур сайловлар жараёнида яққол акс этмоқда. Шу пайтгача вилоятдаги 929 та фуқаролар йиғинида сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтказилди. Янги иш фаолиятини бошлаган фуқаролар йиғини раисларининг катта қисми кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган олий маълумотли мутахассислар экани эътиборлидир. Яна бир муҳим жиҳати шунки, янги сайланган раислар орасида юз нафарга яқин хотин-қизлар ҳам бор.

(Давоми 2-бетда).

4 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Геном бўйича давлат рўйхати олиш тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 54-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, шунингдек «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Депутатлар томонидан «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қонунчилик жараёнини ривожлантиришда ва хусусийлаштириш амалиётидаги сифат ўзгаришларни юридик жиҳатдан мустаҳкамлашда янги босқични очиб бераётганлиги қайд этилди. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги амалдаги қонун мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилинган асосий ҳужжат бўлиб, унга мувофиқ хусусийлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини яратиш амалга оширилган эди. «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хусусийлаштириш жараёни ҳозирги босқичининг ўзига хосликларини, хусусийлаштиришга доир битимларнинг очиллиги ва ошқоралигини ҳисобга олган ҳолда, хусусийлаштиришнинг замонавий стратегиясини ва самарали амалиётини қонунчилик йўли билан тартибга солишни таъминлашга, иқтисодиётда хусусий мулкчиликнинг улушини кенгайтириш ва оширишга, барча потенциал инвесторларнинг тенг имкониятларини ҳамда мулк ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

лиги ва мулкий даражасини янада оширишга хизмат қилади. Кўриб чиқилган қонун лойиҳасининг мақсади мамлакатимизда геном бўйича давлат рўйхати олишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, геном бўйича давлат рўйхати олиш принципларини ва унинг турларини, объектларини ва субъектларини аниқлаш, уни ўтказишга, биологик материал ва геном ахборотини сақлаш ҳамда ундан фойдаланишга доир асосий талабларни белгилашдан иборат.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 54-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси танлов асосида ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотнинг баҳоловчисини мутахассис сифатида жалб этиш тартибини жорий этишни, шунингдек, баҳоловчи ташкилотларни танлаб олиш тартибини бекор қилишни назарда тутмоқда. Тақлиф этилаётган ўзгаришларнинг қабул қилиниши ижро ишларини юритиш доирасида мол-мулкни баҳолаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қилишни назарда тутмоқда. Тақлиф этилаётган ўзгаришларнинг қабул қилиниши ижро ишларини юритиш доирасида мол-мулкни баҳолаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қилишни назарда тутмоқда. Тақлиф этилаётган ўзгаришларнинг қабул қилиниши ижро ишларини юритиш доирасида мол-мулкни баҳолаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қилишни назарда тутмоқда. Тақлиф этилаётган ўзгаришларнинг қабул қилиниши ижро ишларини юритиш доирасида мол-мулкни баҳолаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қилишни назарда тутмоқда.

Банкротлик механизмларини янада тақомиллаштиришга, қасддан банкротликка олиб бориш ҳолларини аниқлаш бўйича ҳуқуқий чора-тадбирларни яратишга, кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қизгин муҳокама этилди. Мажлисда бугун мамлакатимизда амалдаги қонун ҳужжатларига қасддан банкротликка олиб бориш ҳолатларини аниқлаш бўйича олдини олувчи чора-тадбирлар ва механизмларни киритиш масаласи вақти келганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу кредиторлик қарздорлигини, шу жумладан, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қасддан банкротликка олиб борилишига йўл қўймаслик учун ҳуқуқий тўсиқ яратиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

Олий ҳўжалик суди Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг навбатдаги Пленум мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари маъсул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, илмий маслаҳат кенгаши аъзолари, коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Пленум мажлисида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатни демократик янгилаш, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бераётганлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида умумий айланма ҳажми

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

24,4
фоиз
ўсди.

Биржа савдоларида, айниқса, шифер, таркибида мис бўлган маҳсулотлар, суюлтирилган газ, кўмир, иккиламчи алюминий, ўсимлик ва пахта линтини сотиш суръати сезиларли даражада ошгани натижасида ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.



ҚАРОР ВА ИЖРО

Ёшларимизнинг чуқур билим олиши, малакали мутахассис бўлиб етишиши учун яратиб берилган шарт-шароитларга ҳар қанча ҳавас қилса, аразийди. Зеро, бундай имконият илмга чанқоқ йигит-қизларимизни юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашига ундамоғи табиий. Хусусан, бугунги кунда тизимдаги ислохотлар натижасида Термиз давлат университетидида кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилётган ишлар кишини қувонтиради.

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий йўналиши ва пировард мақсадидир

Бу ерда малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни қондириш мақсадида жорий ўқув йилидан бошлаб психология, немис тили, транспорт воситалари эксплуатацияси, кадрлар менежменти каби янги йўналишлар очилганини қайд этиш жоиз.

Университетда назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида ёз мавсумида педагогика йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар дам олиш оромгоҳларида бўлиши. Улар воҳанинг Шеробод туманидаги "Беш-булоқ — Сурхон — Шеробод", Денов туманидаги "Чашма Тошпўлатбой", Олтинсой туманидаги "Вахшвор" оромгоҳларида болажонларнинг мароқли хордик чиқаришлари учун яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишиши.

— Техника ва касбий таълим факультетида ҳам талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан янада мустаҳ-

камлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди мазкур факультет декани, кимё фанлари доктори, профессор Хайит Тўраев. — Жумладан, билимли ва зукко талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш учун кенг имкониятлар яратилган. Айни пайтда 8 нафар иқтидорли талаба ҳамда 4 нафар катта илмий ходим "Нодир металлнинг бинар экстрагентлар билан координацион бирикмалари синтези ва уларни экстракция усули ёрдамида ажратиш" мавзусидаги 2012 — 2016 йилларга мўлжалланган фундаментал ҳамда "Замонавий ядро — физикавий усуллар ёрдамида саноат корхоналари чиқиндилари таркибидаги нодир металлларни аниқлаш ва ажратиш олиш" мавзусидаги амалий тадқиқотлар дастуридаги лойиҳаларда фаол иштирок этишмоқда.

Таъкидлаш керакки, талабалар ишлаб чиқариш амалиётла-

рини Деҳқонобод калий ўғитлари заводида ҳам ўташмоқда. Негаки, бошқа саноат корхоналари сингари Термиз давлат университети билан Деҳқонобод калий ўғитлари заводи ўртасида инновацион, илмий-техник ҳамкорлик ҳамда талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказишлари хусусида шартнома имзоланган.

Бунда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Талабаларни малакавий ва битирувчи амалиётлари ҳамда тажриба тадқиқотчи-изланувчиларнинг докторлик диссертациялари мавзусидаги бевосита мазкур заводдаги илмий-технологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилади.

— Деҳқонобод калий ўғитлари заводи энг замонавий техноло-

гия ва ускуналар билан жиҳозланган, — дейди факультетнинг кимёвий технология таълими йўналиши 3-босқич талабаси Азизахон Холбоева. — Бу ерда барча юмушлар компьютер орқали бажарилади. Асосийси, илмий изланишлар олиб бориш учун биз, амалиётчилар лабораториялардан бемалол фойдаланамиз.

Шунингдек, мазкур ўқув даргоҳида кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Кимё йўналиши бўйича 1, 2-босқичларда таълим олаётган талабалар икки ҳафталик, 3-босқич талабалари

эса 6 ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётларини Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарида, жумладан, чинни заводи, "Совпластитал" Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси, Тошкент лок-бўёқ заводи ҳамда Сарисий туманидаги Хонжиза полиметалл рудаларини бойитиш фабрикаси, Деновдаги "Сурхонозиковкатсаноати" акциядорлик жамияти, Шўрчи туманидаги "Шўрчидонмахсулотлари" акциядорлик жамияти, Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғоннефть" Ўзбекистон — Россия нефть маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ўташади. Талабалардан 150 нафари Деҳқонобод калий ўғитлари заводида ишлаб чиқариш амалиётини илмий тадқиқот ишлари билан уйғунлиқда олиб бориши. Бунинг учун корхона томонидан уларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Шунингдек, талабаларни илмий, илмий-техникавий ва ишлаб чиқаришга оид янгиликлар билан таништириш ҳамда олинган натижаларни бевосита ишлаб чиқаришга татбиқ этишда ҳам мазкур корхона раҳбарияти амалий ёрдам бериб келмоқда.

Бу, албатта, уларнинг ўзлари танлаган мутахассисликни мукаммал ўзлаштиришларида янада қўл келаяпти. Бундай гамхўрлик ва эътибор бугунги иқтидорли талабаларнинг келгусида мамлакатимиз иқтисодийни юксалтиришга муносиб улус қўшишлари учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

ВЕЛОСОСЕ

Тошкент вилоятида велососсе бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида 50 нафардан ортиқ спортчи шахсий, гуруҳ, жамоавий ва кўп кунлик пойгалар бўйича медаллар учун кураш олиб борди.

Ғолиблар аниқланди



Яқинда шахсий пойгаларда Юрий Шермухамедов (25 км.), Юсуп Абреков (70 км.) ғолиб чиқди. Эътиборлиси, Юсуп Абреков кўп кунлик

пойгада ҳам барча рақибларини ортда қолдирди.

Гуруҳ баҳсларида эса Эрнест Османов (110 км.) ва Алишер Қўзиёв (124 км.) марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди.

Йигирма бир километр масофага жамоалар ўртасида ўтказилган беллашувда Глеб Горбачев, Хусниддин Ҳакимов, Юсуп Абреков ва Павел Бойченчикди. Эътиборлиси, Юсуп Абреков кўп кунлик муваффақият қозонди.

ТАЭКВОНДО

Пойтахтимизда таэквондо WTFнинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган «кёруги» йўналиши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда 1997 — 1999 йилларда тузилган ўғил-қизлар беллашди.

Республика биринчилиги якунига етди



Айтиш жоизки, келаси йилнинг март ойда Хитой Тайпейда ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ва Олимпия саралаш турнирида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир спортчиларни танлаб олиш мақсадида уюштирилган мазкур мусобақа кескин курашларга бой кечди. Ана шундай кучли

рақобат кузатишган чемпионатда Сўхроб Бобоев, Шахриёр Сўхонев, Валентин Ҳегай, Руслан Шин, Шаҳбоз Шофайзиев, Камронбек Яхшибоев, Хуршид Абдукаримов, Нодир Раҳматов, Ботир Давлатов, Саидолим Нўъмонов, Аброр Тўраев, Нигора Турсункулова, Умида Абдуллаева, Зарина Абдуллоева, Юлия Макарова, Раъно Бойбўтаева, Динора Мамадиброҳимова, Ситора Эргашева, Муҳлиса Рўзमतова, Гўзал Сулаймонова ва Венера Мирзамаҳмудова олтин медаллар билан тақдирланди.

СОЧИ — 2014

Келаси йилнинг 7 — 16 март кунлари Сочи шаҳрида XI қишки Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади.



Нуфузли мусобақага йўлланма

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати томонидан маълум қилишларича, ана шу нуфузли мусобақада икки нафар ҳамюртимиз — Евгений Спекос ва Равил Гиёсов юртимиз шарафини қўлга киритди. Улар спортнинг сноуборд ва тоғ чанғиси турлари бўйича медаллар

учун кураш олиб боради. Шу тарихда қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган ўзбекистонлик спортчилар сони беш нафарга етди. Бунгача Миша Ге (фигуралӣ учиш), Артём Воронов ва Ксения Григорьева (тоғ чанғиси) нуфузли мусобақаларга йўлланмаларни қўлга киритишганди.

ШАХМАТ

Тошкентда тезкор шахмат — рапид бўйича халқаро рейтинг очколари берувчи турнир ташкил этилди.



Рейтинг очколари учун кураш

Йигирма нафар шахматчи ўзаро баҳслашган мусобақада Вилдан Гялямов олти очко жамғариб, ғолиб чиқди. У бешта партияни ўз фойдасига ҳал қилди, икки нафар рақиб билан эса дуранг ўйнади. Тажрибали шахматчи-

миз, ФИДЕ устаси Ирина Геворкян ҳам олти очко тўплаган бўлса-да, қўшимча кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринда қолиб кетди. Моҳинур Қаҳрамонова беш очко билан турнирни кучли ўчликда яқунлади. Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

КЎРГАЗМА

Мовий осмон, пурвиқор тоғлар, яшил майсалар, тошлар бағрини ёриб, ёруғликка интилган жилғалар...

Гўзал ҳаёт куйчиси

Пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйда очилган, фотороссом Владимир Соколовнинг Обод турмуш йилига бағишланган "Фақат ҳаёт!" деб номланган ижодий ишлари кўргазмасини томоша қилар экансиз, кўз олдингизда ана шундай гўзал ва бетакрор манзара намён бўлади. Беихтиёр юртимизнинг обод гўшалари, бепоён далалари, сўлим боғларию арчазор

тоғларида юргандай ҳис қиласиз ўзингизни. Меҳнати, эзгу ишлари билан Ватан тараққиётига ҳисса қўшаётган замондошларимиз билан юзма-юз келасиз, гўё.

Эътиборли томони шундаки, кўргазма экспозициясидан ўрин олган ҳар бир суратда ўзбекона урф-одат ва анъаналарга эҳтиром, она-Ватанга чексиз меҳр муҳассам.

Моҳира АДИЗОВА.

Маҳаллада кўркамажмуа

Чортоқ шаҳрининг Бешкапа маҳалласида янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

ҚУЛАЙЛИК

Замонавий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган бу мажмуа иншоот хусусий тадбиркор Шухрат Тожиев ташаббуси билан тикланди. Қурилиш ишларга 500 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Янги ниёт билан "Дилкаш" дея ном берилган мазкур мажмуадан 300

ўринли маросимлар зали, минимаркет, гўзаллик салони ҳамда алоқа хизмати кўрсатиш шохобчаси ўрин олган. Айни пайтда уларда маҳалла ёшларидан 20 нафари меҳнат қилаётди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Келажак энергияси

Навоий давлат кончилиқ институтида Ўзбекистон экологик ҳаракати Навоий худудий бўлимида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Муқобил энергия манбалари — келажак энергияси" мавзусида худудий семинар ташкил этди.

СЕМИНАР

Унда тадқиқотчилар, институт профессор-ўқитувчилари, тегишли мутасадди ташкилотлар вакил-

лари ҳамда талабалар қатнашди. Тадбирда табиий бойлиқларнинг камайиб бораётганлиги ва мавжуд

ёнилғи захираларидан оқилона фойдаланиш масалалари хусусида сўз юритилди. Шунингдек, қуёш, шамол ҳамда сув энергиясидан фойдаланиш ва унинг самаралари хусусида тадқиқотчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари тинланди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«Қибрай» клиник санаторийси юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сўхаттоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар таълимий ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишга бағишланган. Сўхаттоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Янги хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган. Ошхонада 5 маҳал пархез таомларини ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади. Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишдаги таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин. Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

Республика аҳолиси диққатига! «JUN LONG INDUSTRIAL» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси табиий Ангрен кўмири кукунидан тайёрланган кам аралашмали ва сифатли, юқори иситиш қувватига эга, махсус технология асосида корхонада ишлаб чиқарилган кўмир брикетларини ҳамда сув билан иситиш печларини тақлиф қилади. Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Манзилимиз: Тошкент вилояти, «Ангрен» махсус индустриал зонаси. Мурожаат учун телефонлар: (8 370) 662-25-25, (+99871) 255-64-60, факс: (+99871) 255-63-73. e-mail: jlangren@mail.ru.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдосига таклиф этади. «Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона вилояти филиалида 2013 йил 25 декабрь кунини соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда: Суд департаментининг Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига тегишли, Олтириқ тумани, «Капчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6 048,78 кв.м., фойдаланиш майдони 3 577,98 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлар. Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59. Лицензия: № RR-0017.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ТЕЛЕФОНЛАР: Девоҳона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — Д. Улмуҳаммадов. Мусахҳиҳ — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5

9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz